

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**УДК 666.11.17.24:620.197.6.**

**ХОЛИКОВА СЕВАРА ДЖАСУРОВНА**

**АЙРИМ ЖИПСЛАШГАН КЎП ЯДРОЛИ МОНО- ҲАМДА БЕШ АЪЗОЛИ  
БИАЗОЦИКЛИК ҲОСИЛАЛАР СИНТЕЗИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.14- Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2025**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2024.4.DSc /T843 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tkti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталига (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Кадиров Хасан Иргашевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Адилов Равшан Иркинович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Мухиддинов Баходир Фахриддинович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Тошев Акмал Юсупович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Давлат техника университети**  
**қошидаги «Фан ва тараққиёт» ДУК**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti\_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.М.Туробжонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Т.Ж. Қодиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**Г. Рахмонбердиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда гетероҳалқали бирикмалар табиий ва биологик фаол бирикмалар - ўсимлик алкалоидлари ва қатор антибиотиклар таркибида сақланиб, тиббиёт, фармацевтика, нефть-газ ва кимё саноати ҳамда органик синтезда юқори реакцион қобилиятли функционал фаол бирикмалар, каучукларни вулканланишини тезлаштирувчилар, коррозия ва минерал тузлар тўпланиши ингибиторлар ишлаб чиқаришда самарали компонентлар сифатида қўлланилмоқда. Шу билан бирга гетероҳалқалар синтези учун арзон, мавжуд хомашёлар манбалари аниқлаш, полифункционал селектив катализаторлар таркибини яратиш, камбосқичли жараёнларини дастлабки реагентлар таъсири кетма-кетлигини ва нисбатларини бошқариш билан такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг юқори унумли технологияларини тавсия этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда жипслашган кўп ҳалқали ҳамда икки гетероатомли гетероциклларнинг янги ҳосилаларини яратиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада молекуласида азот гетероатомлари туташ жойлашган, молекуласи кислород, галоген элементлари билан бойитилган биазоциклик ва хинолин фрагментли конденсирланган ҳосилалар олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва таркибий хусусиятларини тадқиқ қилиш, нефть-газ ва кимё саноатида коррозия ва минерал тузлар тўпланиши ингибиторлари сифатида қўллаш учун ингибирланган кислоталарнинг органик асослари олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда кимё ва нефть-газ саноати корхоналарини модернизация қилиш, хомашёларнинг янги захираларини яратиш, улар асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш, хусусан рақобатбардош коррозия ингибиторлари синтез қилиш ҳамда металл конструкцияларни химоялаш жараёнларида қўллаш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу мақсадларда маҳаллий кимё ва озиқ-овқат саноати иккиламчи маҳсулотларидан гетероҳалқалар олиш учун хом ашёлар излаб топиш, жипслашган кўп ҳалқали ҳамда полигетероатомли янги ҳосилалар синтез қилиш, олинган моддаларнинг хусусиятларини аниқлаш, улар асосида каучукларни вулканланишини тезлаштирувчилар, коррозия ва минерал туз тўпланиши ингибиторлари ишлаб чиқаришнинг саноат технологияларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60- сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 3-февралдаги ПФ-6159-сон «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида»ги, 2022-йил 7-июлидаги ПҚ-309-сон «Нефть ва газ соҳасида таълим-ишлаб чиқариш кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисида»ги, 2018 йил 12 январдаги ПҚ-24-сон «Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2021 йил 13-февралдаги ПҚ-4992-сон «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи<sup>2</sup>.** Гетероҳалқалар ва уларнинг полифункционал ҳосилалари синтези дунёнинг кўпгина олимлари томонидан яхши ўрганилган бўлиб, улар асосида юқори самарали ингибиторлар ва биологик фаол бирикмалар олишнинг саноат технологияларини ишлаб чиқиш ва қўлланилиш соҳаларини кенгайтиришга йўналтирилган илмий ишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Department of Chemistry University of Crete (Греция), Institut für Chemie und Dynamik der Geosphäre, BASF b Hoechs/Knapsack (Germany), Technische Universiteit Eindhoven (Нидерландия), Laboratory of Wood Biology and Xylarium, (Belgium), Blesa investigador comisión nacional de energía atómica (Argentina), Helamin Technology Holding SA (Швейцария), Helamin France SaRL (Франция), Goodrich, Monsanto и UCC (USA), Россия кимё технология университети; Қозон давлат технологик унирвеситети; Кабардин-болқор давлат университети (Россия), Хмельницкий миллий университети (Украина), Ўзбекистон миллий университетит, Умумий ва ноорганик кимё институти, Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент кимё-технология институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи: [www.czu.cz](http://www.czu.cz), [www.iitb.ac.in](http://www.iitb.ac.in), [www.unipage.net](http://www.unipage.net), [www.cnr.it](http://www.cnr.it), [www.put.poznan.pl](http://www.put.poznan.pl), [www.polandstudy.com](http://www.polandstudy.com), [www.cextremelab.edu.rs](http://www.cextremelab.edu.rs), [www.upm.es](http://www.upm.es), [www.umd.edu.pk](http://www.umd.edu.pk), [www.hotcourses.ru](http://www.hotcourses.ru), [www.gatech.edu](http://www.gatech.edu), [www.unist.ac.kr](http://www.unist.ac.kr), [www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz), [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz), [www.urmon.uz](http://www.urmon.uz) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Аминлар, амидлар ва аминспиртларнинг альдегидлар билан конденсатланиш маҳсулотлари, жипслашган кўп халқали ҳамда полигетероатомли янги ҳосилалар асосида коррозия ва минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар ишлаш чиқариш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қўйидаги илмий натижалар олинган: жиплашган кўп халқали азотгетероатомли гетероциклик бирикмалар олиш технологияси ишлаб чиқилган (Federal University of Campina Grande, Бразилия), Korea Institute Science and Technology, (Жанубий Корея); моно- ва диазотгетероатомли гетероциклик бирикмалар синтез қилинган (Department of Chemistry University of Crete (Греция)); коррозия ва минерал тузлар тўпланишига қарши таркиблар танланган; Laboratory of Wood Biology and Xylarium (Belgium), Blesa investigador comisión nacional de energía atómica (Argentina); аминспиртлар асосида коррозия ва минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган Helamin Technology Holding SA (Швейцария); коррозия ва минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар олиш технологиялари яратилган (BASF b Hoechs/Кnapsack (Германия), Goodrich, Monsanto ва УСС (США), ОАО «НК «Роснефть» (Россия); диаминлар ва ёғ кислоталарининг реакциялари орқали имидозолин ҳосилалари синтез қилинган ва коррозия ингибиторлари сифатида қўлланилган (Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, «Навоиазот» АЖ (Ўзбекистон)).

Дунёда коррозия ва минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар олиш бўйича бир қатор, жумладан қўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: аммиак, аминлар ва амидларнинг альдегидлар билан конденсатланиш реакциялари орқали кўп халқали ва кўпгетероатомли гетероциклик бирикмалар олиш; ёғ кислоталари таркибидан индивидуал карбон кислотани ажратиш, ди- ва полиаминлар асосида имидозолин ҳосилалари синтези, кимёвий хусусиятлари ўрганилган, олинган гетероҳалқалар асосида биологик фаол моддалар олишнинг қулай шароитларини топиш ва уларни ишлаб чиқариш технологиялари яратилиб, самарали препаратлар ишлаб чиқарилган; коррозия ва минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар олиш технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Гетероҳалқалар ва уларнинг полифункционал ҳосилалари синтези дунёнинг кўпгина олимлари томонидан яхши ўрганилган бўлиб, улар асосида юқори самарали ингибиторлар ва биологик фаол бирикмалар олишнинг саноат технологияларини ишлаб чиқиш ва қўлланилиш соҳаларини кенгайтиришга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар айни вақтда Н. Liu, J. Jackson, J.R.S. Martinez, M. Grimmett, D. R. Allen, M. Alonso, D. Bajpai, В. Байер, Zhu J., Hung Sh. Pon J., Джоуль Дж., Смит Г., Ahbenvalia V.K., Singh Raj P., Singh Rishi R., Chincholkar M.M., Kakadr B.S., Tamads V.S., Khodachi Muhammed Mehdi, Khosropaur Ahmad Resa, Bailliez Vincent, Kaim Laurent El, Michaut Valerie, Намиот А.Ю., Губкина Г.Ф., Черных А.П., Вацуро К.В., Мищенко Г.Л., Пивазян А.А., И.Ф. Журко, А.И. Сливкин,

Ю.В. Попов, А.И. Юсевич, Г.Р. Хайдарова, Р.Н. Загидуллин, А.И. Чебаксаров, Л.В.Чебаксарова каби олимлар томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистонда мазкур тадқиқот йўналиши бўйича алкилимидозолин ҳосилаларини олиш ва ишлаб чиқариш технологияларини яратишда Х.Н. Арипов, А.Т. Жалилов, М. Миркомиллов, С.Ш. Рашидова, Т. Сирлибаев, Н.Д. Абдуллаев, Р.К. Каримов, А.В. Гордеева, А.Б. Кучкаров, А.Г. Махсумов, Ф.А. Магруппов, Г. Рахмонбердиев, Д.Ю. Юсупов, А.С. Рафиқов, А. Икрамов, С.М. Турабджанов, З.А. Тожихўжаев, Х. Бекназаров, Х.И. Кадиров ва бошқа олимлар томонидан қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Улар томонидан ёғ кислоталари таркибидан индивидуал карбон кислотани ажратиш, ди- ва полиаминлар асосида имидозолин ҳосилалари синтези, кимёвий ўзгаришлари ўрганилган, олинган гетероҳалқалар асосида биологик фаол моддалар олишнинг қулай шароитларини аниқлаш ва уларни ишлаб чиқариш технологиялари яратилиб, самарали препаратлар ишлаб чиқарилган.

Шу билан бирга, олимлар томонидан гетероциклик бирикмалар ишлаб чиқариш жараёнлари назарий асослари яратилган, таркибида дастлабки хом ашёлар, жумладан ёғ кислоталарининг димерлари минимал миқдорларда бўлган алкилимидозолин олишнинг муқобил усулини ишлаб чиқиш, жараёнга таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш, олинган маҳсулотларнинг тузилишини ва металлларни коррозиядан ингибирлаш самарадорлигини аниқлаш, юқори ингибирлаш фаоллигига эга бирикмаларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш каби тадқиқотлар амалга оширилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170930351 «Сув таъминоти учун коррозия, минерал тузларга қарши ва биоцидлик хусусиятли комплекс ингибиторлар синтези ва технологияси» (2017-2019 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** конденсацияланган кўп ядроли моно ва беш аъзоли биазоциклик бирикмалар тайёрлаш, улар асосида коррозия ингибиторларини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ароматик аминларнинг карбонилли бирикмалар билан гетероциклланиш реакцияларини ўрганиш ва механизмини тадқиқ қилиш;

тузилиши ва хоссалари аввалдан белгиланган конденсирланган гетероҳалқали хинолин ҳосилалари синтез қилишнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

хинолин қатор бирикмалари синтези учун барқарор ва самарали катализаторлар таркибини тадқиқ қилиш;

таркиби ёғ кислоталари аралашмасидан иборат саноатнинг иккиламчи маҳсулоти (соапсток) дан C<sub>16</sub>-C<sub>18</sub> таркибли карбон кислоталарни ажратиб олиш ва тозалаш усулларини тадқиқ қилиш;

ёғ кислоталарнинг фракциялари ва алкилдиаминларнинг реакциялари асосида алкилимидозолинларнинг янги ҳосилаларини синтез қилиш ва уларнинг юқори унум билан чиқишига ҳарорат, дастлабки реагентлар нисбатлари, реакция давомийлигига боғлиқлигини аниқлаш;

2-гексадецил-2-имидозолин, 2-октадецил-2-имидозолин, 2-октадеценил-2-имидозолин асосли таркибнинг тозалиги ва тузилишини замонавий физик-кимёвий тадқиқ усулларида исботлаш;

уч кислота фракциясининг этилендиамин билан гетероҳалқалаш реакциясининг мақбул шароитларини ўрганиш;

конденсирланган ва биазогетероциклик бирикмалар - хинолин ва алкилимидозолинлар ҳосилалари асосидаги композицияларининг коррозияга қарши хусусиятларини аниқлаш;

конденсирланган ва кўп гетероатомли гетероциклик бирикмаларнинг янги ҳосилалари - хинолин ва алкилимидозолинлар ҳосилаларини олиш технологияларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида хинолин ва хинолин ҳосилалари, анилин, карбонилли бирикмалар, полифункционал катализаторлар, таркибда ёғ кислоталари мавжуд ёғ-мой саноатининг иккиламчи хом ашёлари ва этилендиамин асосида синтез қилинган 2-гексадецил-2-имидозолин, 2-октадецил-2-имидозолин ва 2-октадеценил-2-имидозолин олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни хинолин ва функционал хинолинлар ҳосил бўлиш қонуниятлари, синтез қилинган жипслашган гетероҳалқали ҳосилаларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, уч ёғ кислотаси фракциясидан алкилимидозолин ҳосилаларини олиш, уларнинг айрим кимёвий ўзгаришлари, коррозиядан ингибирлаш фаолликларини тадқиқ қилиш, олишнинг технологик жараёнларини тадқиқ этиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида кимёвий (фракцион ажратиш, криоскопик, гетероҳалқалаш), физик (ИК-, <sup>1</sup>Н ЯМР-, рентген тузилиш таҳлили), хроматографик (газ-суюқлик хроматографияси), математик (оптималлаштириш ва статистик таҳлил) ҳамда технологик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор карбонилли бирикмалар ва ароматик аминларни гетероцикллаш учун d-металл оксидлари ва фторидлари асосида юқорисамарали ва барқарор катализаторлар таркиби ишлаб чиқилиб, хинолин ҳосилалари синтезида селективлиги исботланган;

анилин ва кротон альдегидини каталитик гетероцикллаш реакцияси мақбул шароитлари аниқланиб, 4-метилхинолин Скраупп қоидасига зид ҳосил бўлиши механизмда асосланган;

олинган хинолин ҳосилалари асосли таркиби, металллар коррозиясининг ингибиторлари сифатида синаб кўрилиб, ҳимоялаш даражаси 90 % дан кам эмаслиги исботланган;

уч кислота фракцияси ва этилендиаминнинг гетероҳалқаланишидан хоссалари аввалдан белгиланган биазогетероатомли алкилимидозолинлар синтез қилиниб, карбон кислоталар ва этилендиаминнинг 2-алкил-2-имидозолингача гетероҳалқаланиши нейтраллаш, ациллаш ва циклланиш механизмида амалга ошиши асосланган;

реагентларнинг термик таъсири ва уларни реакцион муҳитга киритиш тартибини назорат қилиш орқали гетероҳалқалаш жараёнида диамидларнинг ҳосил бўлишини минимал миқдорларгача камайтириш тизими исботланган;

уч кислота фракцияси ва этилендиаминни гетероҳалқалашдан олинган коррозия ингибиторлари нефть қазиб чиқариш ва қайта ишлаш қурилмаларини 8-12 мг/л гача дозаларда 90 % дан кам бўлмаган самара билан ҳимоялаши исботланган;

ингибиторнинг кам дозаларда юқори самарали эканлиги азот атомларининг гетероҳалқада туташ системада жойлашгани ва адсорбция қоидаларига мос эритувчиларда қийин эрийдиган барқарор плёнка ҳосил қилувчи алкил гуруҳларининг занжир узунлиги билан асосланган;

конденсирланган гетероциклик бирикмалар - хинолин ҳосилалари, уч кислота фракцияси ва этилендиамин асосида таркибида минимал миқдорда кислота диамидлари сақлаган алкилимидозолинлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

анилин ва кротон альдегидини гетероцикллаш реакцияси орқали алкилхинолинлар ҳосил бўлиш мақбул шароитлари аниқланган;

жипслашган кўп халқали гетероциклик бирикмалар – хинолин, 2- ва 4-метилхинолинлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

анилин ва кротон фракцияси асосида металлларни коррозиядан ҳимоя қилувчи ингибитор олиш технологияси ишлаб чиқилган;

изопропил спирти ва қарағай қипиқларидан фойдаланиб, соапсток таркибидан  $C_{16}$ - $C_{18}$  фракциясини ажратишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

минимал миқдорда кислота димерлари ва диамидлар сақловчи алкилимидозолин ҳосилалари олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

таркибида ёғ кислоталари сақлаган ёғ-мой саноатининг иккиламчи маҳсулоти соапстокдан уч кислота фракциясини ажратиш, улардан алкилимидозолин асосли металлларни коррозиядан ҳимояловчи ингибитор олишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали саноат ишлаб чиқариш технологияси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Таҳлилда замонавий физик-кимёвий усуллар - ИҚ-спектроскопия, газ-суюқлик хроматографияси, термоаналитик, экспериментал маълумотларга статистик ишлов беришда органик синтез жараёнлари кинетика ва термодинамикасининг замонавий назарияларидан фойдаланилганлиги, назарий ва тажриба тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти - d-металл оксидлари ва фторидлари асосида олинган юқори самарали ва барқарор катализаторлар таркиби иштирокида

ароматик аминлар ва тўйинмаган альдегидлардан жипслашган кўп халқали гетероцикллар синтез қилишнинг мақбул шароитини аниқлаш, C<sub>16</sub>-C<sub>18</sub> таркибли ёғ кислоталари фракциясидан алкилимидозолинлар илк бор олинганлиги, реакциялар боришига ташқи омилларнинг таъсири аниқланганлиги, реакция қобиляти ва реакция меҳанизмларининг тадқиқ этилганлиги, янги олинган ҳосилалар орасида «тузилиш-ингибирлаш фаоллиги» муносабатларининг аниқланганлиги, шунингдек, олинган натижалар бирикмаларнинг ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, конденсирланган гетероциклик бирикмалар - хинолин ҳосилалари асосида импорт ўрнини боса оладиган, рақобатбардош коррозия ингибиторларнинг янги самарали таркиблари синтез қилинган, бирикмалар орасида металл коррозиясидан ҳимояловчи хоссаларга эга бўлган моддалар борлиги аниқланган, ёғ кислоталари фракциясини ажратиш ва алкилимидозолинлар олишнинг бир босқичли тизими ҳамда юқори самарали коррозия ингибитори ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Жипслашган кўп халқали ва икки азот гетероатомли гетероциклик ҳосилалар олиш, физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, улар асосида коррозия ингибиторлари ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хинолин, алкилхинолинлар асосида коррозия ингибиторларини олиш технологияси Шуртангаз кимё мажмуасида қўлланилган (Шуртангаз кимё мажмуасининг 2023 йил 24 январдаги 589-сон маълумотномаси). Натижада, корхона қурилмаларини коррозиядан ҳимоялаш ва узоқ муддатлар самарали эксплуатация қилиш имконини беради;

анилиннинг кротон фракцияси билан каталитик гетероцикланиш маҳсулотлари асосида олинган коррозия ингибиторларини олиш технологияси Шуртангаз кимё мажмуасининг «2023-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Шуртангаз кимё мажмуасининг 2023 йил 24 январдаги 589-сон маълумотномаси). Натижада, импорт қилинувчи хорижий СНПХ препаратни, маҳаллий «ІК-XXS» сериядаги коррозия ингибиторлари билан алмаштириш имконини беради.

уч кислота фракцияси ва этилендиамин асосида коррозия ингибитори ишлаб чиқариш технологияси Шуртангаз кимё мажмуасининг «2023-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Шуртангаз кимё мажмуасининг 2023 йил 24 январдаги 589-сон маълумотномаси). Натижада, таркибида минимал миқдорларда диамидлар сақловчи юқори самарали коррозия ингибиторлари ишлаб чиқариш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон республикасининг Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган, 18 та тезис халқаро ва республикадаги анжуман тўпламларида чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 180 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, апробация ва натижаларнинг нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Конденсирланган ва дигетероатомли гетероциклик бирикмалар синтезининг ҳозирги ҳолати, хоссалари ва қўлланилиши**» деб номланган **биринчи бобида** мавзу бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган.

Маълумки, хинолин ва хинолин ҳосилалари асосида полифункционал хусусиятларга эга фаол моддалар ишлаб чиқариш органик синтезнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб, ҳосил бўлган органик маҳсулотлардан металлларни коррозиядан ҳимоя қилиш воситаси сифатида фойдаланиш тавсия этилган. Шунингдек, адабиёт маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, гетероциклик бирикмаларнинг ихчам кўп ҳалқали азотли гетероатомларини ишлаб чиқариш катализатор сифатида сульфат кислотадан фойдаланган ҳолда кўп босқичли технологик тизим ёрдамида амалга оширилади. Бундан ташқари, синтезларда нитробензолдан фойдаланиш жараёнининг хавфсизлигини таъминлашда бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Адабиётларни таҳлил қилиш билан тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Хинолин асосларини синтези ва тадқиқи**» деб номланган **иккинчи бобида** жипслашган гетероциклардан хинолин ва унинг функционал ҳосилаларини ишлаб чиқариш соҳасида АҚШ, Япония, Германия, Россия каби дунёнинг етакчи мамлакатларида кўплаб тадқиқотлар олиб борилгани тўғрисида ахборот берилган.

Самарали ҳамда селектив катализаторларнинг йўқлиги, хомашё манбаларининг чекланганлиги ва кам босқичли технологик тизимларнинг йўқлиги азот гетероатомли жипслашган гетероцикларни тайёрлаш ва кенг миқёсда ишлаб чиқариш йўлидаги асосий тўсиқлар ҳисобланади.

Шунингдек, Республикамиз кимё корхоналарида амидлар - карбамид ва тиокарбамид, карбонил бирикмалари, формальдегид, ацетальдегид ва кротон альдегид ҳамда катализаторлар таркибининг асосини ташкил этувчи турли металллар, металл оксидлари ва гидроксидлари кўп масштабларда ишлаб чиқарилмоқда.


Ушбу бобда кадмий ва рух бирикмалари аминларнинг альдегидларга нуклеофил бирикиш катализаторлари эканлиги кўрсатилган; рух, хром ва темир бирикмалари дегидратация, дегидрирлаш ва дегидроциклизация катализаторлари ҳисобланиб, хинолин ва хинолин ҳосилаларини синтез қилишда, % масс: CdF<sub>2</sub> – 5,0 - 10,0; ZnO – 5,0 - 10,0; Cr<sub>2</sub>O<sub>3</sub> – 3,0 - 10,0; Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> – 3,0 - 5,0; қолгани - бентонит таркибли аралаш полифункционал катализатордан фойдаланилган (1-жадвал).

1-жадвал


Катализаторларнинг асосий физик, механик ва эксплуатацион таснифлари

№	Катализатор таркиби, % масс	Сочма оғирлиги, г/см <sup>3</sup>	Солиштирма юзаси, м <sup>2</sup> /ч	Механик мустаҳкамлиги, МПа	Регенерациягача ўртача ишлаш вақти, соат
1.	CdF <sub>2</sub> – 5,0 ZnO – 3,0 Cr <sub>2</sub> O <sub>3</sub> – 5,0 Бентонит - 87,0	0,880	115,0	5,5	56,0
2.	CdF <sub>2</sub> – 8,0 ZnO – 5,0 Cr <sub>2</sub> O <sub>3</sub> – 3,0 Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> – 3,0 Бентонит - 81,0	0,910	136	6,0	80,0
3.	CdF <sub>2</sub> – 6,0 ZnO – 8,0 Cr <sub>2</sub> O <sub>3</sub> – 5,0 Бентонит - 81,0	0,860	175	6,2	64,0
4.	CdF <sub>2</sub> – 5,0 ZnO – 10,0 Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> – 5,0 Бентонит - 80,0	0,870	162	7,0	85,0
5.	CdF <sub>2</sub> – 5,0 ZnO – 10,0 Cr <sub>2</sub> O <sub>3</sub> – 3,0 Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> – 3,0 Бентонит – 79,0	0,925	170	7,2	48,0

*Хинолин ва метилхинолинлар синтези.* Анилин, формальдегид ва ацетальдегид асосида буғ фазада хинолин ва метилхинолинлар синтези, дастлабки реагентларнинг эквимолекуляр миқдорларда амалга оширилиб, катализатор юзасидан 380-440 °С ҳароратлар чегарасида ўтказилганда юқори унум билан хинолин ҳосилаларининг ажралиши кузатилади. Реакция схемаси:




Реакция қуйидаги босқичларда амалга ошади, дастлабки босқич - альдол конденсатланиш жараёни:



Кротон конденсация орқали акролеин ҳосил бўлиши:



Анилин билан таъсирланиб, Скраупп қоидасига кўра хинолин ҳосил бўлади:



Реакцион муҳитга анилин, формальдегид ва ацетальдегиднинг бир вақтда киритилиши, паст ҳароратда 21 °С буғланувчи ацетальдегиднинг йўқолишига олиб келади. Шунинг учун 3-оксипропаналь аввал синтез қилиниб, сўнг анилин билан гетероцикланиш реакциясига киритилиши билан хинолиннинг унуми назарийга нисбатан 64 % гача оширилади. Ушбу усулда олинган катализатнинг органик қисми шартли равишда «ІК-ХХС-1» деб номланди.

*8-оксихинолин синтези.* Саноатда 8-оксихинолин *o*-аминофенолни глицерин билан концентрланган сульфат кислота иштирокида циклоконденсатлаб, сўнгра ни нитробензолда дегидрирлаб олинади.


Биз таклиф этилаётган 8-оксихинолин синтезининг кам босқичли усули *o*-аминофенолни формальдегид ва ацетальдегид билан буғ фазада полифункционал катализаторлар иштирокида таъсирга асосланган. Катализатор сифатида №2 таркибдан фойдаланилган (жадвал 1).

Мақбул шароитлар: ҳарорат 400 °С, ҳажмий тезлиги 0,5 соат<sup>-1</sup>, *o*-аминофенол: формальдегид: ацетальдегид нисбатлари 1:1:1,2. 8-оксихинолин унуми 62 %. *o*-Аминофенол, формальдегид ва ацетальдегид асосида олинган катализатнинг ажратилган органик қисми «ІК-ХХС-2» деб номланди.

*Кротон альдегиди (кротон фракцияси)нинг баъзи ароматик аминлар билан гетероцикланиш реакциялари.* Республикамиздаги кимё корхоналарининг талаб ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд арзон хомашёдан хинолин ҳосилаларини олиш бўйича мақсадли тадқиқотлар олиб борилди. «Навоиазот» АЖда кенг миқёсда ацетилен, формалдегид, ацетальдегид, аммиак каби хомашё ишлаб чиқарилаётгани гетероцикл бирикмалар кимёси соҳасида илмий изланишлар олиб бориш имконини бермоқда. Органик синтез саноати учун муҳим хом ашёлардан бири бўлган кротон альдегид кротон фракцияси таркибида бўлиб, «Навоиазот» АЖда ацетиленни гидротацияси орқали ацеталдегид ишлаб чиқаришда қўшимча маҳсулот ҳисобланади.


Анилиннинг кротон альдегид билан гетероцикланиши натижасида, асосан, 2- ва 4-метилхинолин ҳосилалари ҳосил бўлади. 2-метилхинолин Скраупп қоидасига мос (гетероцикланиш С = С боғ ҳисобига амалга ошади), 4-метил-

хинолин эса Скрупп қойдасига тескари (гетероциклланиш  $C = O$  боғ ҳисобига амалга ошади) ҳосил бўлади:




Тажрибалар билан аниқланган шароитда, яъни ҳарорат 380-400 °С, реакторга хом ашёнинг умумий ҳажмли оқими 0,2 соат<sup>-1</sup>, анилин: кротон фракциясининг нисбати 2:1 моль бўлганда, 2- ва 4-метилхинолин ҳосил бўлиш унуми мос равишда 35,0 ва 42,0% ни ташкил қилади. Катализатор ЦКХБ-4: ZnF<sub>2</sub> - 5,0; CdF<sub>2</sub> - 5,0; Cr<sub>2</sub>O<sub>3</sub> - 3,0; бентонит - 87,0 (катализат таркибидаги органик қисмни шартли номи «ИК-XXS»).

Анилиннинг кротон альдегиди билан гетероциклланиш реакциялари маҳсулотларининг ИҚ-спектрида қуйидаги ютилиш соҳалари кузатилди (1-расм): 1622,82 см<sup>-1</sup> соҳада карбонил боғининг  $C=O$  гуруҳига тегишли кучли тебранишлар, 1739,28 см<sup>-1</sup> да ароматик халқага тегишли  $C=C$  гуруҳининг валент тебранишларининг дастлабки хомашёлар таркибига тегишли қолдиқлар мавжудлигини кўрсатиши билан бирга, 1066,0 ва 1051,45 см<sup>-1</sup> ютилиш соҳаларида  $C-N$  гуруҳининг валент тебранишлари, 2353.61 см<sup>-1</sup> соҳасида ароматик халқадаги метил ( $-CH_3$ ) гуруҳининг систематик ва ассиметрик тебранишларига хос чизиқлар кузатилди.



1-расм. Анилиннинг кротон альдегиди билан гетероциклланиш маҳсулотининг ИҚ-спектри

2-расмдан анилин ва кротон альдегиднинг гетероциклланиш реакцияси маҳсулотлари таркибининг <sup>1</sup>H ПМР-спектри ацеталдегид билан гетероциклланиш маҳсулотлари таркибидан унчалик фарқ қилмаслиги ва ютилиш ҳудудлари деярли бир хил эканлиги аён бўлади.



2-расм. Анилин ва ацеталдегиднинг гетероцикланиш реакцияси орқали ҳосил қилинган метилхинолинлар ПМР ( $^1\text{H}$ )-спектри

Катализатор қатлами баландлигининг 2- ва 4-метилхинолин чиқишига, шунингдек, бошланғич реактивларнинг конверсиясига таъсири ҳам ўрганилди. Шу мақсадда реакторда ҳар 100 мм баландлиқда намуналар олиш учун кранлар ўрнатилди. Аниқландики, реакторга хом ашё доимий ҳажмий узатиш тезлигида берилганда, катализатор қатлами баландлигининг ортиши билан кротон фракцияси ва анилиннинг конверсия тезлиги ҳам ортади (2-жадвал).

Хинолин ҳосилалари ҳосил бўлиш унумига ва кротон фракцияси конверсиясига катализатор қатлами баландлигининг боғлиқлиги

(харорат – 400 °С,  $V_{кр.фр.} = 0,2 \text{ соат}^{-1}$ ; анилин: кротон фракция = 2: 1)

Катализатор қатламининг баландлиги, мм	Катализат тақриби, %			Кротон фракцияси конверсияси, %
	2-метил-хинолин	4-метил-хинолин	карбазол	
100	15,0	18,0	-	48,0
200	22,0	25,0	следы	62,0
300	28,0	30,0	5,0	78,0
400	35,0	42,0	12,0	89,0
500	30,0	22,0	19,0	95,0
600	27,0	20,0	21,0	99,0

Жадвалдаги маълумотларидан кўринадики, катализатор қатлами баландлигининг ошиши билан 2-метилхинолин ҳосил бўлиш унуми ўртача 6 - 7 % га ошиб, 400 мм да максимал қиймати 35,0 % бўлса, 4-метилхинолинни ҳосил бўлиши 300 ва 400 мм орасида ўсиш кузатилиб (12 % дан 42,0 % гача) реакция унуми максимал қийматга етади.


Диссертациянинг «Алкилимидозолин ҳосилаларини олиниши ва хоссалари» деб номланган **учинчи бобда** соапстокнинг таркиби ва уларни ажратиш усуллари ўрганилган, алкилимидозолинларнинг синтези ва хоссалари ёритилган.

2-алкил-2-имидазолинларни синтез қилиш учун  $\geq 98$  % этилендиамин ва учта ёғ кислотаси аралашмасидан фойдаланилган. Ёғ кислоталари аралашмасининг сифат кўрсаткичлари ГОСТ 6484-96 га мувофиқ аниқланган. Олинган ёғ кислоталарининг аралашмаси асосан олеин (30,3 %), пальмитин (22,7 %) ва линолеин (42,3 %) кислоталарни ўз ичига олиб, уч кислота фракцияси «УКФ» деб номланган. Синтезлар 3 хил тизимда олиб борилди: 1. Анъанавий усул; 2. Реагентларнинг нисбатини ўзгартириш усули; 3. Дастлабки реагентларни узатиш тартиби усули.

Синтезнинг мақбул шароитларини аниқлаш, натижаларни таққослаш учун алкилимидозолинлар олишнинг анъанавий усули асос сифатида қабул қилинди: хона ҳароратида диамин билан карбон кислота бир марта аралаштиришни ва кейинчалик босқичма-босқич 250-270 °С гача қиздиришни ўз ичига олади. Бунда карбон кислотанинг амидланиш реакциялари ва амиднинг кейинги циклланиши содир бўлади.


Реакция натижасида олинган маҳсулотнинг ИҚ-спектрида (3-расм) имидазолин гетероҳалқасига хос  $C=N$  валент тебраниши чизиқлари ( $1608 \text{ см}^{-1}$ ),  $C=O$  амид гуруҳи интенсив чизиқлари ( $1668 \text{ см}^{-1}$ ) ва  $N-H$  деформацион тебранишларга хос ютилишлар ( $1556 \text{ см}^{-1}$ ) кузатилди. Улар маҳсулотда диамидларнинг сезиларли даражада мавжудлиги билан боғлиқ эди. Бу, шунингдек, узун алифатик занжирларда  $C-N$  деформациясининг тебранишлари билан боғлиқ бўлган  $721 \text{ см}^{-1}$  диапазолидаги юқори интенсивлик билан ҳам тасдиқланди, уларнинг диамид тузилишидаги улуши этилендиаминнинг моноацил ҳосиласига қараганда 2 баравар юқори. Хроматограммада (4 расм) 2-

гексадецил-2-имидазолин (1-чўққи) ва 2-октадецил-2-имидазолин (2-чўққи) аниқланиб, чўққилар майдонларининг нисбати 2,74: 1 ни ташкил этади, бу эса УҚФдан олинган алкилимидазолиннинг ~2,9 марта моляр ортиқча миқдорига тўғри келди (3-расм).



3-расм. 1-усулда олинган маҳсулотининг ИҚ-спектри

Ёғ кислоталарининг моноамид ҳосилаларидаги углеводород радикали қанчалик узун бўлса, циклланишда шунчалик кам фаол бўлади, шу билан бирга диамид ҳосил бўлишига олиб келадиган реакцияларга эса фаол киришади.




4-расм. 1-усулда олинган маҳсулотнинг хроматограммаси 1-, 2- ва 3 - алкилимидазолинлар; 3-, 4- ва 5-диамидалар - этиленди-аминнинг УҚФ молекулалари билан ацилланиш маҳсулотлари

1, 2 ва 3 чўққилар майдонлари хроматограмманинг умумий майдонига нисбатан ҳисобланганда 1-тажриба маҳсулотидаги алкилимидазолинларнинг умумий таркиби 86,96 % ни ташкил этди. Хроматограммалардаги 3, 4 ва 5 чўққилар диамидаларга тегишли бўлиб, палмитин (чўққи 3), олеин (чўққи 4) ва линолеин (чўққи 5) кислота молекуласининг ацилланиши маҳсулотлари ҳисобланади.

Шунингдек,  $^1\text{H}$  ПМР-спектроскопиясидан фойдаланиб, УҚФдан олинган алкилимидазолин ҳосилаларининг тузилиши ўрганилди (5-расм).

Олинган алкилимидазолинларнинг тузилиши, шунингдек,  $^1\text{H}$  ПМР-спектроскопия усулида ҳам таҳлил қилинди: карбонил гуруҳига бириккан N-H - гуруҳидаги протон силжиш 1,45-1,92 м.у. синглет сигналлар ҳолатида кузатилди. Имидазолин гетероҳалқасидаги протонлар дублет сигналлари 7,09 - 7,22 м.у. майдонида, имидазолин метиленига мос протонлар сигнали 4,42 - 4,47 м.у. майдонида аниқланди. Шу билан бирга, алифатик занжирдаги метиленлар протон сигналлари 2,2-2,4 м.у. майдонда жойлашган бўлиб,  $^1\text{H}$  ПМР-спектрада реакцияга киришмаган карбон кислоталар, кислота диамидалари ва


диамидаминларга мос кўплаб аниқланмаган сигналлар борлигини кўриш мумкин.



5-расм. УҚФ ва этилендиамин реакциясидан олинган намунанинг  $^1\text{H}$  ПМР-спектри

Диамидлар унумини камайтириш учун реакция аралашмасидаги этилендиаминнинг ортикча миқдорини беш баробар оширилди (2-усул).

Олинган маҳсулотнинг ИҚ-спектрида имидозолин чўққиси билан солиштирилганда амид чўққилари интенсивлигининг пасайиши қайд этилган, аммо йўқолмаган. Хроматограмма бўйича гексадецил- ва октадецилимидозолин нисбати (6-расм) 1,36:1 ни ташкил этди, яъни 1-синтезга нисбатан 2 марта камайди. Шу билан бирга, алкилимидазолинлар ва диамидларнинг чўққи жойлари нисбати деярли 3 баробарга, 2,9: 1 га ошди. 2-усул маҳсулотидаги алкилимидазолинларнинг миқдори хроматографик жиҳатдан 90,68% ни ташкил этди.





6-расм. 2-усулда олинган маҳсулотининг хроматограммаси: 1- ва 2 – алкилимидозолинлар; 3-, 4- ва 5- диамидлар - этилендиаминнинг палмитин кислота молекулалари (чўққи 3), палмитик ва олеин кислоталар (чўққи 4) ва УҚФ молекулалари (чўққи 5) билан ацилланиш маҳсулотлари.

Лекин тажрибалар шуни кўрсатадики, этилендиаминнинг беш баробар кўп миқдори ҳам диамидларнинг ҳосил бўлишини олдини олмайди. Буни эса гетероцикллаш реакциясининг барча оралиқ ҳолат диамидлар ҳосил бўлиши билан амалга ошиши билан изоҳлаш мумкин.

Алкилимидазолинлар синтези жараёнида диамидлар ҳосил бўлишини камайтириш учун тримолекуляр кислота-амин-кислота комплексларининг ҳосил


бўлишини олдини олишга, 3-усул реагентларни реакцион муҳитга киритиш тартиби ва ҳароратини ўзгартириш орқали эришилди.



Кислота қўшилгандан сўнг, икки баравар кўп миқдорда олинган амин реакцияга кўра диамидларнинг шаклланишига тўсқинлик қилади.


Барча УКФ киритилгандан сўнг, реакция аралашмаси 1-усулдаги каби барча босқичлардан ўтиб, 270 °С гача қиздирилади.

Натижада, ИҚ-спектрида (7-расм) амалда амид чизиқлари бўлмаган, аммо интенсив имидозолин чўққиси бўлган маҳсулот олинди.



7-расм. 3-усулда олинган маҳсулотининг ИҚ-спектри

Хроматограммадаги алкилимидозолинлар чўққиларининг майдони (8-расм) диамидлар чўққилари майдонидан 25 баравар кўп ва хроматограмманинг умумий майдонининг 99,52 % ни ташкил этди. Бунда 2-гексадецил-2-имидазолиннинг 2-гексадецил-1-(2-палметиламиноэтил)-2-имидазолинга нисбати 1,25:1 га тенг эди.



8-расм. 3-усулда олинган маҳсулотининг хроматограммаси 1- ва 2 - алкилимидозолинлар; 3-, 4- ва 5-диамидлар - этилендиаминнинг палмитин кислота молекулалари (чўққи 3), палмитин ва олеин кислоталар (чўққи 4) ва УКФ молекулалари (чўққи 5) билан ацилланиш маҳсулотлари.

Шундай қилиб, 3-тажриба маҳсулоти диамидларнинг минимал аралашмаси билан алкилимидазолинлар эди.

Диссертациясининг «Синтез қилинган гетероциклларни металлларни коррозиядан химоялаш хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида олинган маҳсулотлар металлларни коррозиядан химоя қилувчи ингибиторлар сифатида синовдан ўтказиш натижалари баён қилинган, «ІК-XXS», «ІК-XXS-1» ва «ІК-XXS-4» препаратларнинг стандартларга мувофиқ химояланиш даражаси кўрсатилган.

Хинолин асосидаги «ІК-XXS», «ІК-XXS-1» ва «ІК-XXS-4» ингибиторларнинг коррозияга қарши химоя даражалари турли агрессив кислотали, ишқорий-туз, кислота-туз эритмалари, водород сульфиди ва сувли (3 %  $H_3PO_4$  + 3%  $H_2SO_4$ ; 3 %  $NaCl$  + 3 %  $H_2SO_4$ ; 3 - 5 % ли  $H_2S$ , 3 %  $NaOH$  + 3 %  $NaCl$ ) муҳитда аниқланган.

Намуна сифатида Ст.3 ва Ст.20 маркали металл пластиналар танланган. Олинган натижалар 3- ва 4-жадвалларда келтирилган.

3-жадвал

«ІК-XXS» серияли коррозия ингибиторларининг Ст.3 ва Ст.20 маркали металлларнинг химоя даражаси концентрациясига боғлиқлиги:  
1%  $NaCl$  + 1%  $H_2SO_4$ , модел эритма pH=5,3, ҳарорат 50°C

Ингибитор	Ингибитор концентрацияси, %	Тажриба давомийлиги					
		360 соат			720 соат		
		К, г/(м <sup>2</sup> ·суток)	γ	Z, %	К, г/м <sup>2</sup> ·сутка)	Г	Z, %
-		398,86	-	-	354,04	-	-
«ІК-XXS»	0,1	74,93	6,92	82,21	58,96	7,88	83,41
«ІК-XXS-1»		81,41	18,11	80,82	77,31	20,09	81,82
«ІК-XXS-4»		78,66	20,13	81,06	75,58	24,32	83,25
-		398,81	-	-	355,01	-	-
«ІК-XXS»	1,0	72,43	8,84	85,32	70,45	9,63	86,41
«ІК-XXS-1»		75,38	20,15	82,93	73,18	21,48	83,09
«ІК-XXS-4»		73,04	23,48	85,47	28,41	26,44	87,03


4-жадвал

"ІК-XXS" серияли хинолин асосидаги коррозия ингибиторларининг Ст.3 ва Ст.20 маркали металлларнинг химоя даражасининг ҳароратга боғлиқлиги (1%  $NaCl$  + 1%  $H_2SO_4$ , модел эритма pH=5,3)

Ингибитор	Ҳарорат, °C	Тажриба давомийлиги					
		360 соат			720 соат		
		К, г/м <sup>2</sup> ·сут	Г	Z %	К, г/м <sup>2</sup> ·сут	Г	Z %
-	40	191,3	-	-	148,4	-	-
«ІК-XXS»		29,63	8,09	86,61	9,71	10,71	87,33
«ІК-XXS-1»		35,44	7,87	85,53	8,11	9,98	86,65
«ІК-XXS-4»		11,33	21,04	95,46	4,94	38,50	97,18
-	50	221,2	-	-	169,3	-	-
«ІК-XXS»		25,98	9,03	86,81	16,81	10,56	87,34
«ІК-XXS-1»		23,86	10,02	84,82	19,56	16,99	85,45
«ІК-XXS-4»		6,24	30,28	96,37	6,48	29,61	96,94

Ст.3 пўлат учун коррозия ингибитори сифатида 2-гексадецил-2-имидозолин, 2-октадецил-2-имидозолин ва 2-октадеценил-2-имидозолин

аралашмасини синовдан ўтказиш ГОСТ 9.502–82 бўйича статик шароитда гравиметрик усулда амалга оширилди. Коррозив восита сифатида ГОСТ 9.506-87 бўйича намунавий сув-туз эритмаси ишлатилган (г/дм<sup>3</sup>): CaCl<sub>2</sub> · 6H<sub>2</sub>O – 34,00; MgCl<sub>2</sub> · 6H<sub>2</sub>O – 17,00; NaCl – 163,00; CaSO<sub>4</sub> · 6H<sub>2</sub>O – 0,14. Синовдан ўтказилаётган коррозия ингибитори эритмага 0,3 мол/м<sup>3</sup> миқдорида киритилди.



9-расм. Пўлат намуналарининг ингибитор-сиз (1), коррозия ингибитори мавжуд бўлган (2) шароитларда масса йўқотиши ва коррозиядан ҳимоялаш даражасининг вақтга (3) боғлиқлик графиги

9-расмдан кўринадики, 2-гексадецил-2-имидозолин, 2-октадецил-2-имидозолин ва 2-октадецил-2-имидозолинлар аралашмасининг ҳимоялаш қобилияти коррозия жараёнининг дастлабки 16 соатигача юқори қийматга (91 %) етади, сўнгра аста камаяди, эҳтимол сирт фаол моддалар молекулаларининг босқичма-босқич гидролизи ва ҳимояланган юзадан десорбция туфайли амалга ошган.

